

Ўлим жазосининг бекор қилиниши – инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлашнинг муҳим омили

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 6-моддаси 1-бандида бунга кенг таъриф берилади: «Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди»¹. Шу боис мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши Президентимиз таъкидлаганидек, “халқаро ҳамжамият томонидан ижобий кутиб олинди ва бутун дунёда акс-садо берди”².

Қонунчиликка киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг жазо тизимида назарда тутилган 43-моддаси биринчи қисмининг “з” бандидаги “ўлим жазоси” деган сўзлар “умрбод озодликдан маҳрум қилиш” деган сўзлар билан алмаштирилди. Мазкур ўринда жаҳон амалиётида умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосининг қонунда белгиланишига нисбатан турлича ёндашувлар шаклланганлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан, баъзи давлатларда (Россия, Беларусь, Молдова, Грузия, Озарбайжон, Хитой, Франция, Польша ва ҳ.к.) умрбод озодликдан маҳрум қилиш мустақил жазо тури сифатида жиноят қонунида жазо тизимида назарда тутилган бўлса, бошқа бир давлатларда (Япония, Корея, Германия, Швеция, Дания, АҚШ, Қозоғистон ва ҳ.к.) озодликдан маҳрум қилиш жазосининг тури сифатида қаралади ва тегишли нормалар жазо тизимида белгиланмасдан, балки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган моддада мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда эса ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жиноят қонунида жазо тизимида мустақил жазо тури сифатида назарда тутилди. Шундан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг янги таҳрирда берилган 51-моддасида ушбу жазонинг тушунчаси берилди. Унга биноан, умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир.

Қонун бўйича фақат икки турдаги ўта оғир жиноят учун, яъни жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) жинояти учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилди, холос.

Хорижий амалиёт шуни кўрсатадики, баъзи давлатларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси юқорида кўрсатилган ўта оғир жиноятлардан ташқари, агрессия, геноцид, давлатнинг хафвсизлигига қарши жиноятлар,

* ТДЮИ ўқитувчилари

¹ Действующее международное право. В 3-томах. Составители Ю.М.Колосов, Э.С.Кривчикова. Т.2, Изд-во Московского независимого института международного права. М., 1997. - С.69

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 2007. 35 б.

жосуслик, конституциявий тузумга тажовуз қилиш, номусга тегиш, мулкни нобуд қилиш, босқинчилик ва бошқа жиноятларни содир қилганлик учун ҳам тайинланади. Масалан, Россияда 6 турдаги, Германияда 7 та, Японияда 9 та, Данияда 10 та, Бельгияда 11 та, Швецияда 13 та, Беларусда 14 та, Озарбайжонда 16 та, Қозоғистонда 17 та, Францияда 18 та, Кореяда 19 та, Молдовада 24 та ва Хитойда 66 турдаги ўта оғир жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади.

Қонун бўйича Жиноят кодексининг 51, 58, 64, 69-моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан инсонпарварлик тамойилидан келиб чиқиб, қуйидаги шахсларга нисбатан ва қуйидаги ҳолатларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас:

- аёлга;
- ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга;
- олтмиш ёшдан ошган эркакка;
- тамом бўлмаган жиноятлар учун;
- суд жавобгарликка тортиш муддатини қўллашни лозим топмаса;
- суд жазони ижро этиш муддатини қўллашни лозим топмаса.

Қайд этиш жоизки, миллий жиноят қонунчилигимиз инсонпарварлик қоидаларига асосланган ҳолда, доимо аёллар, вояга етмаганлар ва кексаларга нисбатан жазо тайинлашда бир қатор енгилликларни назарда тутиб келмоқда. Маълумки, мазкур тоифадаги шахсларга нисбатан ўлим жазоси ҳам тайинланиши мумкин эмас эди. Эндиликда ўлим жазоси ўрнига киритилган умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳам мазкур шахсларга нисбатан тайинланмаслиги белгиланди.

Ҳукуқий жиҳатдан олганда, вояга етмасдан жиноят содир этган шахс ҳукм чиқариш вақтида ўн саккиз ёшга тўлган тақдирда ҳам умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниши мумкин эмас. Олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан мазкур жазони қўлламаслик учун эса унинг суд ҳукмига қадар ушбу ёшдан ошганлиги талаб қилинади. Ўз навбатида жиноят унга тайёргарлик кўриш ёки уни содир этишга суиқасд қилиш босқичларида тўхтатилган бўлса, яъни тамом бўлмаган бўлса, бундай жиноят учун ҳам умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас.

Бу борада Россия, Украина, Беларусь, Молдова, Грузия, Озарбайжон, Япония, Корея, Хитой, Франция, Германия, Австрия, Польша, Швейцария, Швеция, Голландия, Дания, Бельгия, АҚШ жиноят қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, санаб ўтилган давлатларнинг фақат 7 тасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш мумкин бўлмаган шахслар тоифасига оид нормалар мавжуд. Мисол учун, Россия Федерациясининг Жиноят кодексига асосан умрбод озодликдан маҳрум қилиш аёлга, шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва суд ҳукмига қадар олтмиш беш ёшга тўлган эркакка нисбатан қўлланилмайди. Қолган 12 та давлат қонунчилигида эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш қўлланилмайдиган шахслар тоифаси кўрсатилмаган.

Қонуннинг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, унда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1995 йилдаги умрбод озодликдан

махрум қилишга доир тавсияларининг устувор қоида ва принципларига мос тарзда умрбод озодликдан маҳрум қилинганларга нисбатан афв этишни қўллаш асослари белгиланган. Қонунга биноан афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин. Лекин жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, илтимоснома тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши ҳам мумкин.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахс афв этиш тартибида жазони ўташдан озод қилиниши ёки ушбу жазо озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиши мумкин.

Қонунга мувофиқ, афв этиш тўғрисидаги илтимоснома узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин. Лекин жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, илтимоснома тайинланган жазонинг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши ҳам мумкин.

Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахс афв этиш тартибида жазони ўташдан озод қилиниши мумкин.

Қонунда узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахснинг афв этишни сўраб илтимоснома киритиш сони ва муддати чегараланмаган. Қонуннинг юқорида кўрсатилган нормалари бир томондан маҳкумни асоссиз равишда жазодан озод қилишга, ушбу соҳада ўзбошимчаликка йўл қўймайди, иккинчи томондан эса мазкур норма ва механизмлар маҳкумда тузалиш йўлига кириш мақсадининг пайдо бўлишига, озод ҳаётга қайтишга умид туғдиради.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан вужудга келадиган ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини яратади ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг яна бир кафолати бўлиб хизмат қилади.